

## АВТОМОБИЛ ТЕХНИКАСИННИГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

**Асадуллаев Лазиз Мухаммадиевич**

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази умумқўшин тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси, резервдаги майор*

---

### ARTICLE INFO.

---

**Калит сўзлар:** Автомобил, тарнспорт воситаси, техник шайлик даражаси, такси, ҳарбий манёвр, буғ машиналари, юкларни ташиш, катта тезлик, ички ёнув двигателлари, поршен, цилиндр, киритиш, сикиш, иш йўли, чиқариш такти, от кучи, дизел двигатели, тезлик.

---

### Анотатсия

Ушбу мақолада автомобил техникасининг ривожланиши тарихи ёритиб берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Замонавий автомобил техникаси – қўшинлар ҳаракатчанлигини моддий негизи бўлиб, уларнинг тезкор ва тактик ҳаракатларини таъминлашнинг асосий воситаларидан биридир. Бошқача қилиб айтганда, «филдираклар»сиз бирорта бир ҳарбий бўлинма ўзига юклатилган жанговар вазифаларни ўз вақтида бажара олмайди [1].

Агар, иккинчи жаҳон уруши йиллари даврида автомобиллар, асосан транспорт воситаси сифатида ишлатилган бўлса, ҳозирги вақтга келиб, Қуролли кучларда нафакат транспорт воситаси сифатида, балки, қурол-аслаҳа, таъмирлаш асбоб-ускуналари, маҳсус локацион-алоқа воситалари, муҳандислик жиҳозлари ва бошқа турдаги ҳарбий ускуналар ўрнатиладиган базавий техника сифатида кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари, артиллерия тизимларини шатакка олиш, авиация парвозларини таъминлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий автомобил бўлинмалари амалга ошириб келмоқда [2].

Ҳарбий бўлинмалар, қисмлар ва қўшилмаларнинг жанговор фаолиятини, Қуролли кучларнинг ҳар бир турида қурол-аслаҳаларни самарали ишлатилишини, ҳарбий автомобил техникасининг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг техник шайлик даражаси ва ҳолати қўшинларнинг жанговор вазифаларни самарали бажариш қобилиятини белгилайди.

1914 йилда Париж шаҳри коменданти француз генерали Галлиени Немисларнинг Парижга бўлган юришларини тўхтатиш учун бир кечани ўзида 10 минг Париж таксисида Версалдан Марна дарёсига бутун бир ўқчи дивизиясини етказиб беришни амалга ошириди. Бу пайтда немис армияси қўмондони Фок Клук Кайзер Вилгельмни ғалаба билан табриклаб туришган эдилар. Немислар бунақа катта қўшинни бунчалик тез пайдо бўлишини кутишмаганди, натижада Француздарнинг шиддат билан берган зарбаси жуда кучли чиқди. Шундай қилиб автомобиллар Парижни қутқариб қолдилар. Бу тарихда илк бор автомобиллар ёрдамида қилинган йирик ҳарбий манёвр эди.

1916 йилда Варден учун бўлган шиддатли жангда автомобиллар асосий ролни ўйнади. Кечаю-кундуз Верден раёнидаги назорат пунктлари орқали ҳар 14 секундда биттадан автомобил аскарлар ва аслаҳалар ортилган ҳолда ўтиб туришди.

1918 йилда Мааса ва Арден раёнларига Америка кўмондонлиги автомобиллар ёрдамида 12 та дивизияни (500000 га яқин одам) 80 км масофага олиб ўтишга эришдилар [3].

Американинг биринчи автомобиллари



**1-расм.** Форд Фордор Делухе

Ҳарбий ташишларга автомобилларни қўллашга бўлган уринишлар бундан аввал ҳам бўлган эди. Биринчи бўлиб ўзи юрар буғ машиналарини инглизлар 1853-1856 йилларда Крим учун бўлган урушда Балаклава раёнидан куршовга олинган Севастополга ҳарбий юкларни ташиш учун қўллашган эдилар, лекин автомобилларни оммавий қўллаш 1914-1918 йилдаги урушда ўз ифодасини топди.

Ҳарбий юкларни ташишдаги автомобилларнинг муваффакиятли қўлланилиши ўз жойида автомобилсозликнинг кескин ўсишига ҳам катта турткни бўлди.

Катта тезлик - мана бу автомобилнинг энг асосий ютуғидир. Ҳаво тўлдирилган пневматик шиналарнинг яратилиши тезликнинг янада ўсишига яна бир турткни бўлди.

Автомобил ишлаб чиқаришнинг тез суратларда жадал ўсиши бошланди. Масалан, Францияда 1898 йилда 1672 та автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, Америкада бу пайтда бор йўғи 4 дона автомобил чиқарилган эди, лекин 1925 йилга бориб АҚШда автомобил ишлаб чиқариш 4 минг марта ошди, яъни ўша йили 40 минг дона автомобил ишлаб чиқарилган.

1908 йилда бутун дунё бўйича автомобиллар сони 300 мингдан ошмасди, ҳозирги пайтга келиб эса дунёдаги автомобиллар сони 450 млн. дан ошиб кетди. Ер шарида яшаётган ҳар 8-10 кишига биттадан автомобил тўғри келмоқда. Ҳар йили заводдан 30 миллиондан ошиқ автомобил ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда ҳам автомобилсозлик саноатининг ривожланиши давом этмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси, Асака шахрида қурилган заводни ишга тушириб, жаҳон бўйича автомобил ишлаб чиқараётган 25 та давлатлар сафига кириб олди.

### Ички ёнув двигателлари ва автомобил

XIX асрнинг 80 йилларига келиб Америка Буюк Британия ва бошқа Европа давлтларида нефт қазиб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилиши ва нефтни қайта ишлаш заводларининг барпо этилиши, бензинли ёки дизел ички ёнув двигателлари билан (ички ёнув двигатели – бундай двигателларда иссиқлик энергиясини механик энергияга айланиш жараёни двигателнинг ичидаги амалга оширилади) жиҳозланган автомобилларнинг такомиллашишига етарли замин тайёрлаган эди.

Энди олимлар буғ машинаси, электродвигател эмас, балки ички ёнув двигателлари билан кўпроқ қизиқа бошладилар, чунки бундай двигателлар ихчам ва самарадорлиги юкори эди.

Франциялик Жак Ленуар ички ёнув двигателларни «отаси» деб эътироф этилади. Гап шундаки у бошқа ихтирочилардан фарқли ўлароқ, двигателнинг тажриба намунаси эмас, балки ишлаб чиқариш учун мумкин бўлган технологик нусхасини яратади. Германиянинг Кёльн шахридан 30 ёшлик Николаус Отто Ленуарнинг двигателини қувватини ошириш хисобига такомиллаштиради. Отто куйидагини аниqlаган эди: газни алангалаштишдан олдин сикиш керак, портлашни эса поршеннинг цилиндр ичидаги энг юкори холатида амалга ошириш керак. Бу жараён ҳозирги замонавий двигателларда бошқариладиган **киритиши**,

**сиқиши, иш йўли ва чиқариштактларига мос келади.** Бундан Отто ихтиросининг аҳамиятини тушуниш қийин эмас [4].

1864 йили Отто бадавлат Ойген Ленген ҳомийлигига «Отто ва компания» фирмасини ташкил этади ва газли двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. 1867 йили Париждаги Халқаро қўргазмада Отто двигатели ўзининг ихчамлиги ва тежамкорлиги билан ғолиб чиқади.

Отто «Отто-Дойтс» маркази остида хунармандчилик саноати учун стасионар двигателлар ишлаб чиқаришни кент йўлга қўяди. «Дойтс» - бу Кёлн шаҳри ёнидаги завод қурилган жойининг номи.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун Оттонинг ҳомийси Ленген, Карлсруе (Германия) шаҳридан билимли ва тажрибали мухандис Готлиб Даймлерни таклиф қилди. Даймлер ўзи билан энг яқин дўсти ва ёрдамчиси Вилгельм Майбахни ҳам олиб келди. Шундай қилиб, тақдир ўз вақтининг энг иқтидорли техник – машинасозларини (Ленген, Отто, Даймлер, Майбах) бир ерга – бир корхонага тўплади. Корхона фаолияти давомида 10йилда 5 мингдан ортиқ газли двигателларни ишлаб чиқарди. Ленуар ва Отто сингари Дизел ҳам қуий табақа вакили бўлиб муҳандислик малумотини олишга муссар бўлган эди. Немис хунарманди фарзанди Парижда туғилиб ўси, лекин Франция-Пруссия бошида оиласи билан дастлаб Англия, сўнг Германияга қочишга мажбур бўлди. Бу ерда Дизел Мюнхен олий политехника мактабига ўқишига кирди. Ёнилгининг қизиган хавода аллангаланиши назариясига ушбу мактаб профессори Бо де Роша асос соглан эди. Дизел шу мактабда олган билимлари асосида янги «Дизел» двигателини яратади. Дизел двигатели бугдвигателига нисбатан ёнилгини 10 марта кам сарфлар, исталган ёнилғи: кўмир ва нефт чанги, смола палма мойида ҳам ишлаши умкин эди [5].

### Дунёда автомобилсозлик саноатини ривожланиши

Германиядаги Рейн дарёси қирғогида жойлашган Мангейм шархри дунёдаги биринчи автомобилнинг ватани деб юритилади: 1885 йилнинг баҳорида Карл Бенз ички ёнув двигатели билан жиҳозланган уч оёкли ўзи юрар аравани яратди.

Бензнинг двигателларига катта бўлиб, у ўз двигателларини автомобилларга ўрнатишни орзу қилар эди. Бенз бу орзусини амалга ошириш учун ўзига ҳамфир ва ҳомий топа олмади. Бу компанияда орзуси ушалишига кўзи етмаган Бенз, ўз акцияларини сотишга ва компанияни тарк этишга мажбур бўлади.

Ўша вақтга келиб Отто томонидан арава учун енгил ва қулай бўлган 4 тактли ички ёнув двигатели яратилган эди. Оттонинг бу двигатели металл савдогари Макс Розени бефарқ қолдирмади. Бенз Макс Розе билан яхши таниш бўлгани учун унинг ҳомийлиги остида Оттонинг двигателини такомиллаштиришга киришади. 1883 йили Бенз Розе билан биргаликда «Бенз ва Ко» заводини ташкил қиласи. Бенз Оттонинг двигателини такомиллаштириб, унинг қувватини 3-4 о.к. га ва валнинг максимал айланишлар сонини 450 айл/минутга етказди.

Бенз 2 йил давомида ўзининг Зғилдиракли экипажини яратади. Ихтирочи бу экипажни яратища велосипеднинг конструксиясидан фойдаланади. Унинг вазни 260 кг ни ташкил қиласи.

Бу автомобилни ҳаракатга келтириш осон бўлмади. Биринчидан у одамлар учун кутилмаган ҳол бўлса, иккинчидан хали синаб кўрилмаган.

2-3 пассажир билан ҳаракатланаётган Бензнинг экипажидан ҳайратда қолган одамлар унга «маҳлуқ» деб ном берадилар. «Телба» Бенз ва унинг автомобили тўғрисидаги миш-мишлар матбуотда чоп этилиб, бутун мамлакатга овоза бўлади. Кейинчалик бу «телба» ихтирочи – дунёдаги биринчи автомобилнинг яратувчиси – Карл Бенз эканлиги маълум бўлади.



**2-расм.** К.Бенз томонидан яратилган жаҳондаги биринчи 3-4 от кучига эга бўлган бирцилиндрли ички ёнув двигатели ўрнатилган уч ғилдиракли автомобил (1885 йил)

Бенз ва Даймлер ўзларининг ихтироилик фаолиятларини бир-биридан бехабар ҳолда ва турли шароитларда бошлайдилар.

Бенз иқтидорли механик, яъни туғма амалиётчи бўлса унинг ватандоши Даймлер Бенздан мустакил равишда ўзининг ҳаво билан совутиладиган бензинли двигателни яратиб, 1883 йили унга патент олади. Дастлаб Даймлер бу двигателни маҳсус велосипедга ўрнатди. Велосипеднинг ён тамонларига эса қуламаслиги учун роликлар ўрнатилган. Шу аснода Даймлер томонидан 1885 йили дунёда биринчи мотоцикл яратилди.



**3-расм.** Жаҳонда биринчи ишлаб чиқилган Даймлер ва Майбах мотоцикл 1885 й.

Даймлер Бенздан фарқли равишда 1886 йилда ўзининг 4 ғилдиракли автомобилини яратди.



**4-расм.** Г.Даймлер яратган тўрт ғилдиракли бир цилиндрли автомобил. (1886й)

1889 йили Даймлер енгил металл кузовли ва велосипед ғилдиракларига ўрнатилган моторли аравани яратди. Даймлер бу моделни 920 айл/мин частотага эга бўлган 2 цилиндрли В симон двигател билан жихозлади. Айнан шу модел Карл Бензни Парижда халқаро кўргазмада хайратда қолдирган эди. Даймлернинг бу двигателини француз «Панар-Левассор» фирмаси сотиб олиб ўз автомобилларига қўллайди. 1890 йили Даймлер Германияда, унинг ишлари билан қизиқкан ҳомийлар ёрдамида «Даймлер-моторен-Газелшафт» автомобили ишлаб чиқариш хиссадорлик жамиятини ташкил этиб, «Даймлер» маркаси остида автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Франция-Пруссия уриши «Даймлер» автомобилларининг Франция бозоридаги мавқеига жиддий путур етказади. Буни бартараф этиш учун немис маркаси «Даймлер»ни бошқа ном билан алмаштиришига тўғри келади, якни «Даймлер»маркаси – фирма савдо вакилининг 12 ёшли қизининг исми «Мерседес» билан алмаштирилади. «Мерседес» автомобили шу тариқа дунёга келади.

Кўп йиллик рақобатдан сўнг 1926 йили «Даймлер» ва «Бенз» фирмалари бирлашадилар, уч қиррали «баҳтли юлдуз» собиқ рақобатчининг «лавр гардиши» билан бирлаштирилиб, дунёни ўзининг автомобиллари билан ҳайратга солиб келаётган «Даймлер-Бенз» фирмаси ташкил топди. Фирма «Мерседес-Бенз» маркаси остида автомобиллар ишлаб чиқара бошлади.

Кейинги йилларда автомобилларни такомиллаштириш ва унинг янги хилларини яратиш устида қизгин иш олиб борилди. Автомобил конструксиясининг яхшиланиб борилаётганлиги ва кўплаб ишлаб чиқарилаётганлигига 1894 йилда 126 км.лик Париж-Руан автомобил пойгаси мисол бўла олади. Пойгада 102 та автомобил қатнашган эди.

1895 йилда ҳам машҳур Париж – Бордо- Париж автомобил пойгаси уюштирилди. Бу масофада **Панор Левасор яратган машинанинг ўртача тезлиги соатига 24 км бўлди.**



**5-расм.**

Автомобил такомиллашиб ва замонавийлашиб борди. XX аср бошларига келиб тезлик 85 км/соат дан ошди.



**6-расм.**1923 йилда тезлик Леланд-Томас машинасида 120 км/соатга етди.



**7-расм.**1927 йилда Санбим автомобилининг тезлиги 200 км/соатни кўрсатди.




**8-расм.**240 км/ соатни Непир Кемпбел машинаси 1932 йилда, кўрсатди.

1939 йилга келиб **Непир- Рейлтон** машинасининг, тезлиги 295 км / соатга етди.(500 от кучига эга бўлган 12 цилиндрли авиатсия двигатели ўрнатилган ушбу машина кўрсатган тезлик ҳозирги кунгача ҳам рекорд натижага бўлиб келмоқда) [6].

#### **Чор Россиясида ва собиқ Иттифокда автомобилсозликнинг ривожланиши**

Бринчи Жаҳон урушидан аввал чор россия подшолигининг армиясида бор йўғи битта ўқув автомобил ротаси бор эди. Бу рота автомобилларни тайёллар ва ҳаммаси бўлиб атига 71 ҳар-хил русумдаги автомобиллари бор эди, улардан 418 таси енгил автомобиллар эди. Автомобилларни факат Рига шаҳрида жойлашган Руссо-Балт (Рус-Болтиқ) заводигина ишлаб чиқарап эди.

1908 йилдан то 1914 йилгача, яъни бу завод кўчирилганга қадар 450 дона автомобил ишлаб чиқарилди.



**9-rasm. «Руссо Балт С-14-40 »**

Бринчи жаҳон уруши бошланганда автомобиллар етишмовчилиги дарҳол сезила бошлади. Ҳарбий вазирлик Фуқаролардан уларнинг автомобилларни ҳарбий эҳтиёжлар учун ола бошлади. Бу урушда 4 мингга яқин фуқаролар автомобиллари ишлатилди, бошқа мамалакатлардан 25 мингта автомобил сотиб олинди. Лекин бу автомобиллардан фойдаланиш Россиянинг кийин йўл шароитида ва носоз йўлларига мос келмасди. Ремонт базасининг йўқлиги ва сотиб олинган автомобилларнинг ҳар-хил русумда (маркада) бўлганлиги, ишдан чиқсан техникани тезда тузатиш имконини йўққа чиқарар эди. Натижада октябр тўнтарилишидан кейин 1918 йилда янги шаклланган ИДҚА (Ишчи Дехқон Қизил Армияси)да автомобилларнинг сони 8 мингдан ҳам кам эди, буларни фақат уч мингтасинигина ишлатишга яроқли эди холос.

Совет ҳокимиятининг 21 август 1918 йилдаги маҳсус декрети (қарори) билан Армиянинг техникага бўлаган эҳтиёжларини кондириш мақсадида давлатнинг ҳамма автомобил мулкини 50% ҳалқ Коммисариятининг ҳарбий ишлар бўйича бўлимига ўтказилди. Армияда автомобилларлан турли мақсадларда фойдаланишдилар.


Ўзи юрар ўқ отар воситаларнинг етишмовчилигидан пулемёт қурилмаларини оддий юк автомобиллари кузовига ўрнатиш фикри туғилди. Фиат-15 ТЕР автомобили кузовига 2та пулемёт ўрнатилди. Бу экипажлар ўзининг ҳаракатланувчанлиги ва қуролланганлиги билан 1-от армиясининг афсонавий тачанкаларига устунлик қила бошлади.



**10-расм. ФИАТ- 15 ТЕР**

1916 йилда генерал Филатов лойиҳасига асосан Ораниенбаум шаҳрида автомобил шасси (асоси) сида штурм қилувчи тўплар қурилди. Лекин бу пайтларда автомобиллашган ҳарбий қисмлар камчиликни ташкил қиласди, ёқилги ва захира қисмлари, техникани тушунадиган мутахассислар етишмасди. Чинаккамига автомобил ҳарбий саф қаторига гражданлар урушидан кейин кириб келди. Автомобил базасида авторемонт қилувчи устахоналар, радиостанциялар, санитар транспортлари вужудга келди.

Куролли Кучларнинг автомобил техникасига бўлган кундан-кунга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун тез суратларда автомобил ишлаб чиқариш базалари яратила бошланди. Урушдан кейинги оғир шароитларга қарамасдан 1924 йилда АМО (Москва Аксионерлар Жамияти) ҳозирги Лихачев номли заводдан биринчи ўн дона 1.5 т юк кўтара оладиган АМО-15 маркали юк автомобили ишлаб чиқарилди [7].




**11-расм. «АМО Ф15 »**

Кейинчалик ушбу завод ЗИС (Сталин номли завод)деб атала бошланади 1936 йилга келиб ЗИС -101 ишлаб чиқарилади



**12-расм. «ЗИС-101А».**

Улуғ Ватан уруши йилларида автомобиллар фронт ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида асосий транспорт бўлиб хизмат қилди Улуғ Ватан уруши йилларида Москва автомобил заводи шарққа яъни Миасс шахрига эвакуация қилинади Москвада қолган ишчилар эса заводда фронт учун қурол-аслаҳа чиқара дилар. 1943 йилда ҳали уруш тугамаган бир пайтда Миасс шахрида ишга туширилган янги автомобил заводидан ЗИС-5, кейинчалик Урал-ЗИС 355 автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди.



**13-расм. «ЗИС-5».**

1925 йилдан бошлаб Ярославл автозаводида 3 тоннали Я-3 маркали автомобил чиқарила бошланди. 1932 йили Горкий шахрида янги завод ишга туширилди ва СССР автомобилсозлигининг ҳақиқий ривожланиши даври бошланди [8].

Горкий автомобил заводида 1932 йилдан, яни завод қурилганидан бошлаб ГАЗ-АА маркали юк автомобили ва ГАЗ-А маркали енгил автомобиллар қурилиши йўлга қўйилди.



**14-расм.**

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар мажмуасида, бу заводда чиқариладиган ГАЗ-66 қийин йўлларда юришга мослашган юк автомобили, ҳамдаГАЗ-24, 31 «Волга» енгил автомобиллари хизмат қилиб келмоқда. Автомобил саноатининг ривожланиши даври Улуг ватан урушидан кейин бошланди. 1952 йилга келиб Горкий автомобил заводида ГАЗ-69 (4x4) енгил автомобилининг серияли чиқарилиши йўлга қўйилди. Куролли Кучларнинг замонавийлаштириш янги босқичи бошланди.



**15-расм**

Реактив артилерия жанговар машиналари сифатида Армия сафига ЗИС-150, 151, ГАЗ-63 автомобиллари келиб қўшилдилар. Уларга ҳар хил калибрли системалар жойлаштирилди.

Ҳозирги кунга келиб автомобил техникаси ҚКларда кенг қамровдаги қўлламини топди.

Кўплаб автомобил шассилари, уларга маҳсус қурилмаларни жойлаштириш учун қўлланилди (радиостанциялар, ракеталарни бошқариш станциялари, авиация техникаларини ремонт қилувчи комплекслар ва ҳоказо).

### **Юртимида автомобилсозлик саноатини ривожланиши**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ҳалқ хўжалигига хом ашё ва тайёр маҳсулотларни, пассажирларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, озиқ-овқат маҳсулотларини ва кенг истеъмол молларини бевосита истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб беришда турли хил енгил ва юк автомобиллар, автобусларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ўзининг автомобил саноатини яратиш йўлидан борди.

1994 йил 17 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №143 сонли қарори билан Ўзбекистон Давлат қишлоқ хўжалик ва автомобил машинасозлик – қишлоқ хўжаликмаш-концерни Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари асосиасияси «Ўзбекавтосаноат»га айлантирилди.

Хозирги кунда «Ўзавтосаноат» ўз таркибига 37 дан ортиқ йирик ва ўрта корхоналарни жамлаштирган. Ўз навбатида бу корхоналар юздан ортиқ юридик шахсларни ўз ичига қамраб олган ва улар Жанубий Корея, Туркия, Италия, Германия, Голландия, Хитой, АҚШ ва МДҲ дан келтирилган хорижий сармоялар ва замонавий технолоиялар билан жиҳозланган.

Шу бугунда «Ўзавтосаноат» корхоналарида 7,5 минг янги ишчи ўринлари ташкил этилган.

«Ўзавтосаноат» асосиасида бир қанча замонавий технологияларга мос қурилмалар билан жиҳозланган қўшма корхоналар ташкил этилган:

17 март 1994 й. – Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Автомобил ишлаб чиқариш корхоналарининг Асосиаси «Ўзавтосаноат» ташкил этилди.

Март 1994 й. – Биринчи маротаба мутахасисларни Жанубий Кореяга малака ошириш учун юборилди.

19 июл 1996 й. – «ЎзДЕУ авто» қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлди.

12 август 1996 й. – Россияга экспорт учун биринчи автомобиллар жўнатилди.

3 сентябр 1996 й. – Ички савдо учун АО «Автотеххизмат» ташкил этилди.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобил техникаси ҳозирда дунёнинг энг илғор автомобиллар қаторига қўшилиб ҳатто айрим ҳолларда улардан устунлигини ҳам кўрсатмокда

ЎзДЕУавто муаммоларидан бири ДAEWOO корпорацияси банкротликка учраб, 2006 йили унинг акцияларини бир қисмини Дженирал Моторс сотиб олганидан сўнг ўзбек заводининг келажақдаги фаолияти учун янги вазият юзага кела бошлади, ташки бозорлардаги ўсиб борувчи рақобатни инобатга олган ҳолда, тармоқни янада ривожланиши ва унинг ташки бозорга чиқишини таъминлаш учун олдида турган муаммоларни мумкин қадар қисқа муддатларда ҳал қилиш талаб этиларди [9].

**“UzDEU avto” заводида ишлаб чиқарилган автомобилларнинг моделлари ва маркалари.**



1996 – йилидан хозирги кунга қадар  
Daewoo Damas



1996 – 2004 йилгача ва 2015 йилдан  
қўшимча GM Uzb Labo



1996 – 2003 йилгача Daewoo Tico



1996 – 2008 йилагача Daewoo Nexia -  
II

**16-расм.** Damas, GM Uzb Labo, Daewoo Tico va Daewoo Nexia - II автомашиналари.

2008 йил март ойида General Motors ва “Ўзавтосаноат” АК “UzDEU avto” асосида GM Узбекистан ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси “Ўзавтосаноат” уюшмасининг ўзаро келишувларига асосланган ҳолда республикамизда General Motors корхонасининг 25% қўшимчаси билан битта акциясига эга бўлиб, улушлар кейинчалик 40% етказилиш йўли орқали қолган 75% акциялар эса “Ўзавтосаноат” АК тегишли хисоб билан ушбу корхона яна қайтадан ишлаб чиқаришни амалга оширишни бошлади.

Асака автомобил заводида автомобилларни ишлаб чиқариш, ҳалқимиз ҳамда қўшни ва чет давлатларга экспорт килиниши бошланиши билан биринчи навбатда пойтахтимиз Тошкент шахри сўнгра бошқа вилоятларда ҳам автомобилларни сотиш ва сотувдан кейин хизмат кўрсатиш ваколатхоналари хизмат кўрсата бошладилар. Республикамиздаги ишлаб чиқарилган автомобилларни асосий экспорти Москва, Санкт-Петербург, Қозон, екатеринбург, Тюмен, Новосибирск, Минск, Бишкек, Чимкент, Краснодар каби шахарларда минтақавий талабгор бўлганиклари сабабли ушбу шахарларда заводнинг ваколатхоналари ва диллерлик марказлари очилиб сотилган автомобилларни етказиш билан шуғилланганлар. Бундан йигирма уч йил муқаддам Ўзбекистонда янги автомобилсозлик тармоғининг пайдо бўлиши билан “Ўзавтосаноат” уюшмаси ташкил этилган. Ўзбекистон автомобиллар ишлаб чиқарувчи давлатларнинг энг нуфузли “клуби”га аъзо бўлиб кирганлиги унинг кенг имкониятлари ва порлоқ истиқболидан далолат бермоқда. Бугун биринчи президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг **“Автосаноат Ўзбекистон иқтисодиётининг таянчларидан бири бўлиб колмоқда”** деган сўzlари қанчалик хақиқат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. 2014 йилнинг март ойидан бошлаб Асака корхонасида олдин ишлаб чиқарилган Дамас ва Даewoo Лабо конвейри Хоразм вилоятида ишлаб чиқаришни бошлади. 2013-2018 йилларда Чевролет Орландо йигиладиган янги конвейер линиясини ҳам Хоразм автомобил ишлаб чиқариш бирлашмаси МЧЖ орқали ишга туширилди.



2001 – 2017 йилгача Daewoo Matiz



2001 – 2017 йилгача Daewoo Matiz



2003 – 2010 йилгача Daewoo Lacetti



2010 – 2013 йилгача GM Uzbekistan Chevrolet Lacetti



2007 – 2012 йилгача GM Uzbekistan  
Chevrolet Epica

2007 – 2018 йилгача GM Uzbekistan  
Chevrolet Captiva

17-rasm.



2008 – 2009 йилгача Chevrolet Tacuma

2010 – 2017 йилгача GM Uzbekistan Chevrolet Spark



2017 – йилдан хозирги кунга қадар GM  
Uzbekistan Spark Ravan R2

2008 – 2016 йилгача Daewoo Nexia-II



2012 – 2017 йилгача GM Uzbekistan  
Chevrolet Malibu-I

2013 – йилдан хозирги кунга қадар GM  
Uzbekistan Chevrolet Cobalt

18-rasm.



2013 – йилдан хозирги кунга қадар GM Uzbekistan Daewoo Gentra



2013 – 2018 йилгача GM Uzbekistan Chevrolet Orlando



2016 – йилдан хозирги кунга қадар GM Uzbekistan Ravon Nexia-III



2017 – 2018 йилгача GM Uzbekistan Chevrolet Malibu-II



2018 – йилдан хозирги кунга қадар GM Uzbekistan Chevrolet Tracker



2019 – йилдан хозирги кунга қадар GM Uzbekistan Chevrolet Equinox

### 19-расм.

Шу билан бирга 1995 йилда “Ўзавтосаноат” уюшмасининг ташаббуси билан Туркияning “КОЧ Холдинг” компанияси ўртасида шартнома имзоланиб шартномага кўра “КОЧ Холдинг” компанияси Самарқанд шаҳрида йиллик лойиҳа қуввати 5 минг донадан зиёд автобус ва турли хил юк машиналари ишлаб чиқаришга мўлжалланган, умумий қиймати 65 милён АҚШ долларига teng “СамКочАвто” қўшма корхонаси барпо этилди. 1995 йил таъсис хужжатлар имзолангандан сўнг уч йилдан кам муддат ичida Самарқанд “СамКОЧавто” заводи куриб битказилди. У Германия, Италия, Япония, Англия ва Туркияда ишлаб чиқарилган энг янги ускуналар билан жиҳозланди. Технологик жараёнга мослашув ишлаб чиқариш тамойиллари асосида йўлга кўйилган, бу турли режадаги автомобил техникасини тезда ўзлаштирилишини таъминлади. “СамКОЧавто” АЖда ишлаб чиқарилаётган “Ўз Ота йўл” серияли машиналар бугунги кунда ҳар қандай шароитларда давлат стандартлари талабларига жавоб бера оладиган сифатли, кулай ва нисбатан арzon мидibusлар (ўртacha сиғимдаги автобуслар) ва юк машиналари ички ва ташқи бозорларда оммалашиб нафақат ўзимиизда, улар Россия, Украина, Қозогистон йўлларида ҳам

мехнат қилишмоқда [10].

**Хулоса** қилиб “Тарихни билмасдан келажакни яратиб бўлмайди” иборасига амал қилган ҳолда ушбу мақолада автомобилсозликнинг ривожланиши бўйича қисқача тарихий маълумот, автомобил техникиси қўшинлар харакатланувчанлигини таъминловчи восита, ички ёнув двигателлари, дунёда автомобилсозлик саноатини ривожланиши, Чор Россиясида ва собиқ Иттифоқда автомобилсозликнинг ривожланиши, юртимизда автомобилсозлик саноатини ривожланиши, автомобил хизматини ривожланиши, жанговар харакатлар жараённида автотехник таъминотни ташкил этиш ҳақидаги маълумотлар талабаларнинг автомобилсозлик соҳасини ривожлантиришдаги билимларни оширишда хизмат қиласди.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси - Ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари (2018 йил 9 январь ).
2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси – мамлакатнинг ҳарбий соҳада миллий хавфсизлигини таъминлашнинг асоси» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманида “Кириш сўзи”(2018 йил 27 январь, академия катта мажлислар зали).
3. Википедиядан автомобил материалининг тарихи - энциклопедия. 2006. - 446 б.
4. М. М. Файзийев. Ички ёнув двигателлари. Т. Турон-иқбол, 2007.- 607 б.
5. С. М. Қодиров. Ички ёнув двигателлари. Тошкент : Янги аср авлоди,
6. Автомобил // Брокгауза ва Ефрон энциклопедик Луғат: 86 т. (82 т. ва 4 қўшиш.). - Санкт-Петербург., 1890-1907.
7. Соколов М. В. СССРга автомобил юриши. Кўлга олинган ва Лендлиз автомобиллар. - М.: Язуа, Ексмо, 2011.
8. А. Д. Рубец. Россияда автотранспорт тарихи. - Москва: Ексмо, 2008.
9. Ўзбекистонда автомобилсозликнинг вужудга келиши ва ривожланиши. 2012-2023 Архив.уз.
10. <http://autotesla.com/><http://www.skif.biz><http://elektromobile.narod.ru/>
11. Уралов Х.Б., Казаков Н.Н. “Мудофаага тайёргарлик кўриш ва бошқаришда ҳарбий ҳийлани қўллаш”. Мақола. «All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution» халқаро илмий журнали (ISSN: 2545-0573) 2023 йил 33-сони.
12. Уралов Х.Б., Казаков Н.Н. “Шаҳардаги жанг”. Мақола. «All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacie This work licensed under a Creative Commons Attribution» халқаро илмий журнали (ISSN: 2545-0573) 2023 йил 33-сони.
13. Уралов Х.Б., Казаков Н.Н. “Жангда учувчисиз учиш воситалари (дронлар) билан курашишиш усууллари ва воситалари”. Мақола. «All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacie This work licensed under a Creative Commons Attribution» халқаро илмий журнали (ISSN: 2545-0573) 2023 йил 33-сони.
14. Уралов Х.Б., Сапев Ж.К. Халқаро майдонда маҳаллий урушларни ривожлантириш истиқболлари. Мақола. American Journal of Science and Learning for Development 1 No 2 (2022) 2022-12-27.
15. Transfer equation for the strain rate tensor and description of an incompressible dispersed mixture (incompressible fluid) by a system of equations of dynamic type Yuldashev,A., Abdisamatov,O., Abdullaev,B., Dustova,S. E3S Web of Conferences, 2021, 264, 03025